

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**  
**ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ**

**БАБАЖАНОВ МУМИН РАЖАБОВИЧ**

**АНИЗОТРОП ЖИСМЛАРНИНГ НОЧИЗИКЛИ**  
**ДЕФОРМАЦИЯЛАНИШ ЖАРАЁНИНИ СОНЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по техническим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences

**Бабажанов Мумин Ражабович**

Анизотроп жисмларнинг нозичикли деформацияланиш жараёнини сонли  
моделлаштириш.....3

**Бабажанов Мумин Ражабович**

Численное моделирование процесса нелинейного деформирования  
анизотропных тел.....21

**Babajanov Mumin Rajabovich**

Numerical modeling of the process of nonlinear deformation of anisotropic  
bodies.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ИЛМИЙ-ИННОВАЦИОН МАРКАЗИ

БАБАЖАНОВ МУМИН РАЖАБОВИЧ

АНИЗОТРОП ЖИСМЛАРНИНГ НОЧИЗИКЛИ ДЕФОРМАЦИЯЛАНИШ  
ЖАРАЁНИНИ СОНЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/T1428 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Халджигитов Абдували Абдисаматович  
физика - математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Назирова Элмира Шодмонова  
техника фанлари доктори, доцент

Исомидинов Анвар Иномжонович  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат транспорт университети


Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 Илмий кенгашнинг 2021 йил «8» апрель соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй, Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz) Тошкент ахборот технологиялари университети).


Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (181 рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй, Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «26» март куни тарқатилди.  
(2021 йил «26» февраль даги 6 рақамли реестр баённомаси)



  
**Р.Х. Хамдамов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

  
**Ф.М. Нуралiev**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент

  
**Н. Равшанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги пайтда анизотроп жисмларнинг ночизикли деформацияланиш жараёнини замонавий ахборот технологиялари асосида сонли моделлаштириш, анизотроп хоссаларга эга бўлган композит материалларни тадқиқ қилишда муҳим аҳамият касб этади. Толали ва қатламли янги композит материалларнинг қурилишда, машинасозликда, авиасозликда, тиббиётда, тўқимачилик саноатида ва бошқа турли соҳаларда кенг қўлланилиши, бу соҳадаги илмий тадқиқот ишларини замонавий ахборот технологиялари асосида математик ва сонли моделлаштиришни тақозо этади. Анизотроп жисмларнинг ночизикли деформацияланишини ҳисоблайдиган математик моделлар ва алгоритмлар ишлаб чиқиш муаммолари, АКШ, Канада, Буюк Британия, Европа Иттифоқи давлатлари, Россия Федерацияси, Япония, Хиндистон, Хитой, Жанубий Корея, Индонезия, Малайзия ва шу каби саноати ривожланган мамлакатларда долзарб ҳисобланади.

«РБК нинг Markets and Markets башоратига асосланиб хабар беришича, композит материалларнинг дунё бозори йилига 8% дан кўпроқ ўсар экан, 2016 йилда 72,58 млрд USD бўлса, 2022 йилда 115,43 млрд USD бўлиши кутилмоқда. "Росатом" нинг шўъба корхонаси "Umatex" маълумотларига кўра, дунёдаги полимер композитлар ишлаб чиқаришнинг 30% дан кўпроги ёки 4 миллион тоннага яқини турар жой, саноат бинолари, магистрал йўллар, кўприklar ва коммунал инфратузилма қурилишида ишлатилади. Темир-бетон плиталар, углепластиклар ва шишапластиклар каби композитлар қурилишда анча илгаридан кенг қўлланилиб келинмоқда, янги композит материаллар эса жуда кўплаб имкониятларни очиб бермоқда, яъни иссиқлик изоляцияси ва энергия самарадорлигини ошириш, биноларнинг оғирлигини камайтириш ва сейсмик қаршилиқни ошириш, мураккаб меъморий шаклларни яратиш. Металл арматурани композит материалга алмаштириш конструкциянинг хизмат муддатини сезиларли даражада оширишга қодир, арматурали тўрлар йўл қопламаларининг хизмат қилиш муддатини узайтириши мумкин»<sup>1</sup>.

Дунёда анизотроп жисмларнинг ночизикли деформацияланиш жараёнини сонли моделлаштириш бўйича мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Янги материалларни ишлаб чиқаришдан олдин, шу жисмнинг қучланганлик-деформацияланиш ҳолатини мукамал ўрганиш, композит материаллардан тайёрланган конструкциялар ва улар элементларининг мустақамлик захирасини ва ишончилигини ўрганиш керак бўлади. Кўп процессорли компьютерлар ва замонавий ҳисоблаш усулларининг пайдо бўлиши фундаментал ва амалий муаммоларни ҳал қилишда сонли моделлаштириш ролининг ошишига олиб келди. Юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришиш учун анизотроп жисмларнинг ночизикли деформацияланиш жараёнини ҳисоблаш моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга ва такомиллаштиришга интилиш лозим бўлади.

<sup>1</sup>[http://www.mrcplast.ru/news-news\\_open-336238.html](http://www.mrcplast.ru/news-news_open-336238.html)

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб қурилиш, тўқимачилик ва композит материалларни маҳаллийлаштириш бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда. Қурилиш, машинасозлик ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларига янги композит материалларни жорий қилиш туфайли ишлаб чиқариш сифати ва ҳажми бир неча баробар ошди. Ушбу диссертация иши маълум маънода, 2017-2021 йиллардаги Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сон «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларидаги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Анизотроп жисмларнинг ночикли деформацияланиш жараёни ўрганиш математик моделлаштириш ва пластиклик назариясининг фундаментал муаммоларидан ҳисобланади. Бу масалалар Сен-Венан, Г.Генки, В.Геогджаев, Р.Друккер, А.Ильюшин, П.М.Наҳди, Л.М. Качанов каби таникли олимлар ва бошқаларнинг классик ишларида ўрганилган. Композит материалларга бўлган катта талаб ва эҳтиёж, анизотроп жисмларда кечадиган ночикли деформацияланиш жараёнини математик моделлаштириш соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг ривожланишига туртки бўлди. Композит материалларни табиий (кристаллар, графитлар, тоғ жинслари, гўла) ва сунъий (темир-бетон, углепластик, шишапластик) тоифаларга ажратиш мумкин. Сунъий композитлар ичида энг кўп ишлатиладигани толали ва қатламли композитлар ҳисобланади.

Композит материаллар соҳасида илмий иш олиб борган таникли мутахассислар қаторида қуйидаги олимларни таъкидлаш мумкин, Дж.Абоуди, В.А.Ломакин, Р.Хилл, Б.Е.Победря, И.Н.Гольденблат, С.Шешенин, А.Солодовников ва бошқалар. Сўнги йилларда температурани ҳисобга олган ҳолда, боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган пластик деформацияланиш жараёнини математик моделлаштириш масалаларига қуйидаги муаллифларнинг ишлари бағишланган В.Новацкий, Н.М.Youssef, Sloderbach Z., Pajak J., Abbas I.A. ва бошқалар. Ўзбекистонда эластик-пластик масалаларни математик моделлаштириш ва уларни ечиш усуллари билан В.Қабулов, Т.Буриев, Б.Қурманбаев, А.Ахмедов, А.Халджигитов, Р.Абиров, А.Полатов ва бошқа муаллифлар шугулланишган.

Адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, анизотроп жисмлар учун термо-эластик-пластик масалаларни сонли моделлаштириш ва уларнинг дастурий воситаларини ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаганлигини ва долзарб муаммолигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг қуйидаги давлат грантлари: Ф4-014 «Анизотроп жисмлар учун термопластик ва термовязкопластик боғлиқ масалалар» (2012-2016), А5-031 «Лойиҳаларни автоматлаштириш ва техник иншоотларни таҳлил этиш учун дастурий мажмуа яратиш» (2012-2014) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** анизотроп жисмларнинг ночизикли деформацияланиш жараёнини ифодаловчи математик моделлар, сонли алгоритмлар ва дастурий воситаларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

деформацион назария асосида трансверсал изотроп жисмларнинг пластик ва термопластик деформацияланишини ифодаловчи модел тенгламаларни ишлаб чиқиш;

термо-эластик-пластик статик, динамик, боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган масалаларни сонли ечиш учун чекли айирмали тенгламалар қуриш;

анизотроп жисмларнинг ночизикли деформацияланиш жараёнини ифодаловчи модел тенгламаларни ечиш учун самарали сонли усулни қуриш;

механик ва температуравий кучлар таъсиридаги анизотроп жисмларнинг кучланганлик-деформацияланиш ҳолатини тадқиқ қилишга имкон берадиган пластик, термопластик боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган чегаравий масалаларни сонли ечиш учун ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий восита ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** термо-эласто-пластик трансверсал изотроп материаллардан ташкил топган конструкцияларнинг статик ва динамик деформацияланиш жараёнларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** термоэластикпластиклик назариясининг статик, динамик, боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган чегаравий, масалалари кўринишида ифодаланган анизотроп жисмларнинг ночизикли деформацияланиш жараёнларини сонли моделлаштиришдан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишини бажаришда деформацияланувчи каттик жисм механикасининг умумий қонунлари, математик моделлаштириш усуллари, сонли усуллар, ошкор ва ошқормас айирмали схемалар, айирмали тенгламаларни ечишнинг итерацион усуллари, модулли ва структурали дастурлаш технологиялари, ҳисоблаш эксперименти ва ҳисоблаш натижаларини визуаллаштириш технологияларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

механик ва температуравий бошланғич ва чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда деформацион назарияси асосида трансверсал изотроп жисмлар

(композит материаллар)нинг пластик ва термопластик деформацияланиш жараёнларининг математик моделлари ишлаб чиқилган;

термомеханик кучларни ҳисобга олган ҳолда анизотроп жисмларнинг нозикли деформацияланиш жараёнининг модел тенгламаларини ечишнинг чекли айирмалари самарали сонли усули ишлаб чиқилган;

термо-эластик-пластик статик, динамик, боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган масалаларни сонли ечишни ҳисобга олган ҳолда ошқор ва ошқор бўлмаган тўр тенгламалар қурилган;

механик ва температуравий кучларни ҳисобга олган ҳолда анизотроп жисмнинг кучланган–деформацияланганлик ҳолатини пластик, термопластик боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган чегаравий масалаларни сонли ечишга мўлжалланган ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситалари ва унинг структураси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

трансверсал изотроп жисмларнинг эластик–пластик деформацияланишини ҳисобловчи алгоритм ва дастурий восита ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган дастурий восита ёрдамида статик ва динамик термомеханик кучлар таъсирида трансверсал изотроп материаллардан ташкил топган конструкциялар ва улар қисмларининг мустаҳкамлиги ва ишончлилиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги, термодинамика қонунларига қатъий риоя қилинганлиги, пластик ва термопластик чегаравий масалаларнинг сонли натижаларини ва аниқ ечимлар билан солиштирилганлиги ҳамда ҳисоблаш экспериментларни ўтказиш орқали асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф қилинаётган сонли усулдан нафақат эластик-пластик ва термопластик чегаравий масалаларни сонли ечишда, шунингдек, математик моделлаштириш ва туташ муҳитлар механикасининг бошқа масалаларини ечишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини, эластик-пластик ва термопластик масалаларни ечиш учун таклиф этилган сонли усулдан ва олинган сонли натижалардан термомеханик кучлар таъсиридаги анизотроп материаллардан ташкил топган замонавий техник объектлар ва иншоотлар мустаҳкамлиги захираларини ва ишонччилигини аниқлашда ва сонли моделлаштиришда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Анизотроп жисмларнинг нозикли деформацияланиш жараёнини тадқиқ этиш учун ишлаб чиқилган математик моделлар, сонли ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситалар бўйича олинган илмий янгиликлар асосида:

механик ва температуравий кучлар остидаги анизотроп жисмнинг кучланганлик–деформацияланганлик ҳолатини тадқиқ қилишга имкон берадиган пластик, термопластик боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган чегаравий масалаларни сонли ечишга мўлжалланган ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий



воситалар Хоразм вилояти Богот тумани «Архитектура ва қурилиш бўлими» объектларига жорий этилган ( Қурилиш Вазирлиги маълумотнома № 10159/09-07-сон, 23.12.2019 й., Ахборот Технологиялари ва Коммуникацияларини Ривожлантириш Вазирлиги маълумотнома № 33-8/9024-сон, 23.12.2019 й.). Натижада иш унумдорлигини 8-10% га ошириш, сарф харажатларни эса 7-10% га қисқартириш имконияти берилган.

кучланиш ва температуранинг тақсимланиши ва анизотропликнинг трансверсал изотроп жисмларнинг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатига ва пластик соҳаларни аниқлашга мўлжалланган ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситалар Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги «DAMIR QURILISH SERVIS» МЧЖ объектларига жорий этилган (Қурилиш Вазирлиги маълумотнома № 10159/09-07-сон, 23.12.2019 й., Ахборот Технологиялари ва Коммуникацияларини Ривожлантириш Вазирлиги маълумотнома № 33-8/9024-сон, 23.12.2019 й.). Натижада, иш унумдорлигини 10-15% га ошириш, сарф харажатларни эса 10-15% га қисқартириш имконияти берилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация иши натижалари 8 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан 3 та чет эл ва 7 та республика журналларида нашр этилган, шунингдек 2 та ЭХМ учун дастурий маҳсулотларга гувоҳномалар олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белги ва терминлар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мос эканлиги асосланиб, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ва назарий ҳамда амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилганлиги, чоп этилган ишлар ҳақида маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши келтириб ўтилган.

Диссертациянинг биринчи «**Анизотроп жисмлар чизиксиз деформацияларининг математик моделлари**» номли бобида, дастлабки зарур маълумотлар, асосий тушунчалар, асосий аниқловчи муносабатлар, анизотроп

жисмнинг чизикли ва чизиксиз деформацияланишини ифодаловчи математик моделлар келтирилган.

1.1 параграфда анизотроп жисмнинг чизикли ва ночизикли деформацияланишини ифодаловчи математик моделлар қурилган. Эластиклик назариясига асосланган чегаравий масала кўчишларга нисбатан ифодаланган мувозанат тенгламаси ва мос чегаравий шартлар билан ифодаланган:

$$\sum_{j,k,l=1}^3 C_{ijkl} \frac{\partial^2 u_k}{\partial x_j \partial x_l} + X_i = 0, \quad x_i \in V, \quad (1)$$

$$u_i|_{\Sigma_1} = u_i^0, \quad x_i \in \Sigma_1, \quad (2)$$

$$\sum_{k,l,j=1}^3 C_{ijkl} \frac{\partial u_k}{\partial x_l} n_j \Big|_{\Sigma_2} = S_i^0, \quad x_i \in \Sigma_2, \quad (3)$$

бунда,  $u_i$  - кўчиш вектори,  $X_i, S_i$  - ҳажмий ва сирт кучлари,  $\Sigma_1, \Sigma_2$  -  $V$  ҳажм сирти  $\Sigma$  нинг қисм сиртлари,  $n_j$  -  $V$  ҳажмнинг  $\Sigma_2$  сиртига ўтказилган ташқи нормал,  $C_{ijkl}$  - эластик константалар тензори бўлиб, қуйидаги мусбат аниқланганлик ва симметриклик хоссаларига эга:

$$C_{ijkl} = C_{jikl} = C_{ijlk} = C_{klij}, \quad C_{ijkl} a_j a_l \geq 0, \quad a_j = a_{j^*}, \quad (4)$$

$C_{ijkl}$  тензори (4) симметриклик шarti бажарилганда 9 та эркин эластик константаларга эга бўлади ва булар ортотроп материални ифодалайди, агар тензор қўшимча қуйидаги симметриклик шартларини ҳам бажарса

$$C_{1111} = C_{2222}, \quad C_{2222} = C_{3333}, \quad C_{1212} = \frac{1}{2}(C_{1111} - C_{2211}),$$

у ҳолда эркин эластик константалар сони 5 га тенг бўлади ва бунга мос материал трансверсал изотроп жисм бўлади.

(1)-(3) эластик чегаравий масаладаги, кучланиш ва деформация тензори орасидаги муносабатни қуйидаги

$$\sigma_{ij} = \sum_{k,l=1}^3 C_{ijkl} \varepsilon_{kl} - \sigma_{ij}^p, \quad (5)$$

муносабатга алмаштирадик, анизотроп жисмнинг ночизикли деформацияланишини ифодаловчи математик моделга эга бўламиз, бунда  $\sigma_{ij}^p$  - кучланиш тензорининг ночизикли қисми.

1.2 параграфда трансверсал изотроп жисм учун ночизикли чегаравий масала қурилган ва уни қуйидагича кўринишда ифодалаш мумкин:

$$\sum_{j,k,l=1}^3 C_{ijkl} \frac{\partial^2 u_k}{\partial x_j \partial x_l} + X_i = f_i, \quad (6)$$

$$u_i|_{\Sigma_1} = u_i^0, \quad x_i \in \Sigma_1, \quad (7)$$

$$\sum_{k,l,j=1}^3 C_{ijkl} \frac{\partial u_k}{\partial x_l} n_j \Big|_{\Sigma_2} = S_i + \varphi_i, \quad x_i \in \Sigma_2, \quad (8)$$

бунда  $f_i$  ва  $\varphi_i$  лар қуйидаги муносабатлар билан аниқланган

$$f_i = \sum_{j=1}^3 \frac{\partial \sigma_{ij}^p}{\partial x_j}, \quad p \geq p^*, \quad q \geq q^*, \quad \varphi_i = \sum_{j=1}^3 \sigma_{ij}^p n_j \Big|_{\Sigma_2}, \quad p \geq p^*, \quad q \geq q^*,$$

бу муносабатлар (6) тенгламанинг ва (8) чегаравий шартнинг нозичикли қисмини ифодалайди. Бу функцияларнинг қиймати нолга тенг бўлса, (6-8) чегаравий масала эластиклик назариясининг чизикли чегаравий (1-3) масаласига келиб қолади.

Этибор килсак, (5) муносабатдаги катталиқ  $\sigma_{ij}^e$  – трансверсал изотроп жисм учун эластиклик назарияси модел тенгламасининг нозичикли қисмини ифодалайди, яъни

$$\sigma_{ij}^e = \begin{cases} 0, & \text{агар } p < 0 \text{ и } q < 0, \\ 2(\lambda_2 - \lambda_2^*)(1 - \frac{p^*}{p})p_{ij}, & \text{агар } p \geq p^*, \\ 2(\lambda_3 - \lambda_3^*)(1 - \frac{q^*}{q})q_{ij}, & \text{агар } q \geq q^*. \end{cases}$$

$p^*, q^*$  - трансверсал изотроп жисмнинг мос равишда бўйлама ва кўндаланг йўналишдаги эластиклик чегаралари,

$$p_{ij} = \varepsilon_{ij} + \frac{\theta}{2}(\delta_{i3}\delta_{j3} - \delta_{ij}) + \varepsilon_{33}\delta_{i3}\delta_{j3} - (\varepsilon_{i3}\delta_{j3} + \varepsilon_{j3}\delta_{i3})$$

$$q_{ij} = \varepsilon_{i3}\delta_{j3} + \varepsilon_{j3}\delta_{i3} - 2\varepsilon_{33}\delta_{i3}\delta_{j3}, \quad \bar{\theta} = \varepsilon_{11} + \varepsilon_{22}$$

Эластик ўзгармаслар  $\lambda_1, \lambda_2, \lambda_3, \lambda_4, \lambda_5$ , эластик тензор компоненталари билан куйидагича боғланган

$$\lambda_1 = C_{2211}, \lambda_2 = C_{1212}, \lambda_3 = C_{1133}, \lambda_4 = C_{3333}, \lambda_5 = C_{1313},$$

$$\lambda_6 = \lambda_7 = \lambda_1 + 2\lambda_2 = C_{2211} + 2C_{1212}, \lambda_8 = \lambda_3 = C_{1133}, \lambda_9 = \lambda_5 = C_{1313}.$$

1.3 параграфда трансверсал изотроп жисмлар учун термопластик чегаравий масалалар қурилган ва у куйидаги ҳаракат тенгламаси

$$\sum_{j=1}^3 \sigma_{ij} + X_i = \rho \frac{\partial^2 u_i}{\partial t^2}, \quad (9)$$

термопластик деформациянинг ҳолат тенгламаси

$$\sigma_{ij} = C_{ijkl} \varepsilon_{kl} - \beta_0 (T - T_0) \delta_{ij} - 2(\lambda_2 - \lambda_2^*)(1 - \frac{p^*}{p})p_{ij} - 2(\lambda_3 - \lambda_3^*)(1 - \frac{q^*}{q})q_{ij},$$

$$p \geq p^*, q \geq q^*, \quad (10)$$

Коши муносабати

$$\varepsilon_{kl} = \frac{1}{2}(u_{k,l} + u_{l,k}), \quad (11)$$

анизотроп жисмлар учун иссиқлик тарқалиш тенгламаси

$$\lambda_{ij} T_{,j} - c_e \dot{T} - T \cdot \beta_{ij} \cdot \dot{\varepsilon}_{ij} = 0, \quad (12)$$

бошланғич шартлар

$$u_i|_{t=t_0} = \varphi_i, \quad \dot{u}_i|_{t=t_0} = \psi_i, \quad T|_{t=t_0} = T_0, \quad (13)$$

ва чегаравий шартлардан ташкил топган

$$u_i|_{\Sigma_1} = u_i^0, \quad T|_{\Sigma_1} = \bar{T}_0, \quad \sum_{j=1}^3 \sigma_{ij} n_j|_{\Sigma_2} = S_i^0, \quad (14)$$

Бунда  $\sigma_{ij}$ ,  $\varepsilon_{ij}$  – кучланиш ва деформация тензори,  $\rho$  – зичлик,  $T$  – температура,  $c_e$  – ўзгармас деформацияда иссиқлик сифими,  $\beta_{ij}$  – иссиқлик кенгайиши тензори,  $\lambda_{ij}$  – иссиқлик оқимининг тензори,  $\delta_{ij}$  – Кронекер символи.

Иккинчи боб «Анизотроп жисмлар учун пластик масалаларнинг сонли моделлари ва ечиш усуллари» деб номланган бўлиб, термо-эластик-пластик чегаравий масалаларнинг дискрет аналогини қуришга бағишланган. Ҳосил қилинган чекли айирмали тенгламалар учун самарали сонли алгоритмлар ишлаб чиқилган.

2.1 параграфда трансверсал изотроп жисмлар деформацион назариясига асосланган чегаравий масала учун нозикли чекли-айирмали тенгламалар қурилган. Бунда (6) дифференциал тенглама декарт координталар системаси  $Ox_i$  даги параллелепипедда қаралган. Чекли-айирмали тенгламалар қуриш учун параллелепипеднинг қирралари  $l_i$  узунлиги  $h_i = l_i / N_i$  қадам билан  $N_i$  та бўлакка  $x_i = kh_i$ ,  $k = 0, N_i$ ,  $i = 1, 2, 3$  тугун нукталар билан ажратилган. Натижада (6) тенгламалардаги ҳосилаларни чекли-айирмали муносабатларга алмаштириб ва уларни  $u_{i,j,k}$ ,  $v_{i,j,k}$  ва  $w_{i,j,k}$  тугун нукталарда аниқланган функцияларга нисбатан ечиб қуйидаги итерацион жараёни ташкил қиламиз:

$$u_{i,j,k}^{(n+1)} = \left[ \frac{C_{1111}}{h_1^2} (u_{i+1,j,k}^{(n)} - u_{i-1,j,k}^{(n)}) + \frac{C_{1122}}{h_2^2} (u_{i,j+1,k}^{(n)} + u_{i,j-1,k}^{(n)}) + \frac{C_{1133}}{h_3^2} (u_{i,j,k+1}^{(n)} + u_{i,j,k-1}^{(n)}) + \frac{C_{1122} + C_{1133}}{4h_1h_2} (v_{i+1,j+1,k}^{(n)} - v_{i+1,j-1,k}^{(n)} - v_{i-1,j+1,k}^{(n)} + v_{i-1,j-1,k}^{(n)}) + \frac{C_{1133} + C_{1122}}{4h_1h_3} \times \right. \\ \left. \times (w_{i+1,j,k+1}^{(n)} - w_{i+1,j,k-1}^{(n)} - w_{i-1,j,k+1}^{(n)} + w_{i-1,j,k-1}^{(n)}) - f_{i,j,k} \right] / \left( \frac{2C_{1111}}{h_1^2} + \frac{2C_{1122}}{h_2^2} + \frac{2C_{1133}}{h_3^2} \right).$$

$v_{i,j,k}^{(n+1)}$  ва  $w_{i,j,k}^{(n+1)}$  лар учун муносабатларни юқорида кўрсатилган каби топиб олишимиз мумкин. Чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда, дастлабки нолинчи яқинлашишда кўчишларни ички нукталарда нолга тенг деб ҳисоблаймиз.  $f_{1,j,k}$ ,  $f_{2,j,k}$ ,  $f_{3,j,k}$  кўшилувчилар фақат эластиклик чегарасидан ошиб кетиш  $p \geq p^*$ ,  $q \geq q^*$  шарти бажарилганда ҳисобланади. Айирмали схеманинг аппроксимация тартиби  $O(h_1^2, h_2^2, h_3^2)$  га тенг.

2.2 параграфда трансверсал изотроп жисмнинг боғлиқ бўлмаган термопластик чегаравий масалалари учун чекли-айирмали тенгламалар ва сонли алгоритмлар қурилган. Боғлиқ бўлмаган термопластик чегаравий масала қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{aligned} C_{1111} \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + C_{1122} \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} + C_{1133} \frac{\partial^2 u}{\partial z^2} + (C_{1122} + C_{1212}) \frac{\partial^2 v}{\partial x \partial y} + (C_{1133} + C_{1313}) \frac{\partial^2 w}{\partial x \partial z} - \beta_{11} \frac{\partial T}{\partial x} - f_1 &= 0, \\ C_{1212} \frac{\partial^2 v}{\partial x^2} + C_{1222} \frac{\partial^2 v}{\partial y^2} + C_{1233} \frac{\partial^2 v}{\partial z^2} + (C_{2211} + C_{1212}) \frac{\partial^2 u}{\partial x \partial y} + (C_{2233} + C_{2323}) \frac{\partial^2 w}{\partial y \partial z} - \beta_{22} \frac{\partial T}{\partial y} - f_2 &= 0, \\ C_{1313} \frac{\partial^2 w}{\partial x^2} + C_{1322} \frac{\partial^2 w}{\partial y^2} + C_{1333} \frac{\partial^2 w}{\partial z^2} + (C_{3311} + C_{1313}) \frac{\partial^2 u}{\partial x \partial z} + (C_{3322} + C_{2323}) \frac{\partial^2 v}{\partial y \partial z} - \beta_{33} \frac{\partial T}{\partial z} - f_3 &= 0. \end{aligned} \quad (15)$$

фараз қилайлик чегаравий шартлар қуйидагича (параллелепипед барча ёқлари бўйича маҳкамланган), яъни

$$\begin{aligned}
 u|_{l_1, l_2} &= 0, & v|_{l_1, l_2} &= 0, & w|_{l_1, l_2} &= 0, \\
 u|_{l_1, l_3} &= 0, & v|_{l_1, l_3} &= 0, & w|_{l_1, l_3} &= 0, \\
 u|_{l_2, l_3} &= 0, & v|_{l_2, l_3} &= 0, & w|_{l_2, l_3} &= 0.
 \end{aligned}
 \tag{16}$$

Параллелепипеднинг ичидаги температура майдони куйидаги қонуният билан тақсимланган бўлсин

$$T(x, y, z) = T_0 \sin\left(\frac{\pi x}{l_1}\right) \sin\left(\frac{\pi y}{l_2}\right) \sin\left(\frac{\pi z}{l_3}\right), \tag{17}$$

бу ерда  $\beta_{11} = \beta_{22} = \beta_{33}$  - трансверсал изотроп жисмнинг иссиқлик кенгайиши коэффициентлари.

(15) тенгламалардаги ҳосилаларни чекли-айирмалар муносабатларга алмаштириб ва уларни  $u_{i,j,k}$ ,  $v_{i,j,k}$  ва  $w_{i,j,k}$  тугун нукталарда аниқланган функцияларга нисбатан ечиб куйидаги итерацион жараённи ташкил қиламиз:

$$\begin{aligned}
 u_{i,j,k}^{(n+1)} &= \left[ \frac{C_{111}}{h^3} (u_{i+1,j,k}^{(n)} - u_{i-1,j,k}^{(n)}) + \frac{C_{112}}{h^2} (u_{i,j+1,k}^{(n)} + u_{i,j-1,k}^{(n)}) + \frac{C_{113}}{h^2} (u_{i,j,k+1}^{(n)} + u_{i,j,k-1}^{(n)}) + \right. \\
 &+ \frac{C_{122} + C_{133}}{4h^2} (v_{i+1,j+1,k}^{(n)} - v_{i+1,j-1,k}^{(n)} - v_{i-1,j+1,k}^{(n)} + v_{i-1,j-1,k}^{(n)}) + \frac{C_{111} + C_{122}}{4h^2} (w_{i+1,j,k+1}^{(n)} - w_{i+1,j,k-1}^{(n)} - \\
 &\left. - w_{i-1,j,k+1}^{(n)} + w_{i-1,j,k-1}^{(n)}) - \frac{\beta_{11}}{h} (T_{i+1,j,k}^{(n)} - T_{i-1,j,k}^{(n)}) - f_{i,j,k} \right] / \left( \frac{2C_{111}}{h^3} + \frac{2C_{112}}{h^2} + \frac{2C_{113}}{h^2} \right).
 \end{aligned}$$

Юқорида кўрсатилгани каби  $v_{i,j,k}^{(n+1)}$  ва  $w_{i,j,k}^{(n+1)}$  лар учун ҳам муносабатларни топиб олишимиз мумкин.

2.3 параграфда трансверсал изотроп жисмлар учун боғлиқ динамик термо-пластик чегаравий масалани чекли-айирмалар тенгламалари ва уларни сонли ечиш алгоритлари ишлаб чиқилган. Боғлиқ динамик термопластик (9-14) чегаравий масалани куйидаги бошланғич

$$\begin{aligned}
 u(x, y, z, t)|_{t=0} &= u^0, & v(x, y, z, t)|_{t=0} &= v^0, & w(x, y, z, t)|_{t=0} &= w^0, \\
 \frac{\partial u}{\partial t}|_{t=0} &= \varphi_1, & \frac{\partial v}{\partial t}|_{t=0} &= \varphi_2, & \frac{\partial w}{\partial t}|_{t=0} &= \varphi_3, & T(x, y, z, t)|_{t=0} &= T_0.
 \end{aligned}
 \tag{18}$$

ва чегаравий шартлар

$$\begin{aligned}
 u(x, y, z, t)|_{\Sigma} &= u^1, & v(x, y, z, t)|_{\Sigma} &= v^1, \\
 w(x, y, z, t)|_{\Sigma} &= w^1, & T(x, y, z, t)|_{\Sigma} &= T_1,
 \end{aligned}$$

билан трансверсал изотроп параллелепипедда қараймиз.

(9) тенгламадаги ва (18) бошланғич шартлардаги ҳосилаларни чекли-айирмалар муносабатлар билан алмаштириб ва уларни  $u_{i,j,k}^{n+1}$ ,  $v_{i,j,k}^{n+1}$ ,  $w_{i,j,k}^{n+1}$  ва  $T_{i,j,k}^{n+1}$  тугун нукталарда аниқланган функцияларга нисбатан ечиб куйидаги рекуррент муносабатларни ҳосил қиламиз:

$$u_{i,j,k}^{(n)} = \frac{\tau^2}{\rho} \left[ C_{1111} \frac{u_{i+1,j,k}^n - 2u_{i,j,k}^n + u_{i-1,j,k}^n}{h_1^2} + C_{1212} \frac{u_{i,j+1,k}^n - 2u_{i,j,k}^n + u_{i,j-1,k}^n}{h_2^2} + C_{1313} \frac{u_{i,j,k+1}^n - 2u_{i,j,k}^n + u_{i,j,k-1}^n}{h_3^2} + \right. \\ \left. + (C_{1122} + C_{1212}) \frac{v_{i+1,j+1,k}^n - v_{i-1,j+1,k}^n - v_{i+1,j-1,k}^n + v_{i-1,j-1,k}^n}{4h_1h_2} + (C_{1133} + C_{1313}) \times \right. \\ \left. \times \frac{w_{i+1,j,k+1}^n - w_{i-1,j,k+1}^n - w_{i+1,j,k-1}^n + w_{i-1,j,k-1}^n}{4h_1h_3} - \beta_{11} \frac{T_{i+1,j,k}^n - T_{i-1,j,k}^n}{2h_1} - f_{i,j,k} \right] + 2u_{i,j,k}^n - u_{i,j,k}^{(n-1)} \quad (19)$$

$$T_{i,j,k}^{(n)} = \frac{\tau}{c_2} \left[ \lambda_{21} \frac{T_{i+1,j,k}^n - 2T_{i,j,k}^n + T_{i-1,j,k}^n}{h_1^2} + \lambda_{22} \frac{T_{i,j+1,k}^n - 2T_{i,j,k}^n + T_{i,j-1,k}^n}{h_2^2} + \right. \\ \left. + \lambda_{23} \frac{T_{i,j,k+1}^n - 2T_{i,j,k}^n + T_{i,j,k-1}^n}{h_3^2} - T_0 \left( \beta_{11} \frac{u_{i+1,j,k}^{(n-1)} - u_{i-1,j,k}^{(n-1)} - u_{i+1,j-1}^{(n-1)} + u_{i-1,j-1}^{(n-1)}}{4h_1\tau} + \right. \right. \\ \left. \left. + \beta_{22} \frac{v_{i+1,j+1,k}^{(n-1)} - v_{i-1,j+1,k}^{(n-1)} - v_{i+1,j-1,k}^{(n-1)} + v_{i-1,j-1,k}^{(n-1)}}{4h_2\tau} + \beta_{33} \frac{w_{i+1,j,k+1}^{(n-1)} - w_{i-1,j,k+1}^{(n-1)} - w_{i+1,j,k-1}^{(n-1)} + w_{i-1,j,k-1}^{(n-1)}}{4h_3\tau} \right) \right] + T_{i,j,k}^{(n-1)} \quad (20)$$

$v_{i,j,k}^{(n-1)}$  ва  $w_{i,j,k}^{(n-1)}$  лар учун муносабатларни юқорида кўрсатилган каби топиб олишимиз мумкин. Агар вақт бўйича дастлабки икки қатламдаги кўчишлар маълум бўлса, (19)-(20) тенгламалар  $(n+1)$  қатламдаги кўчишлар ва температураларни топиш имконини беради. Кўчишларнинг бошланғич  $(n=0, n=1)$  қатламлардаги қийматларини бошланғич ва чегаравий шартлардан топиш мумкин. Навбатдаги  $n=2, 3, 4, \dots$  қатламлардаги кўчишлар ва температуранинг қийматларини (19-20) муносабатлардан топиш мумкин.

Бундан ташқари ошқор бўлмаган чекли-айирмали тенгламалар қуриш мумкин. Бунинг учун асосий ўзгарувчини ўз ичига олган қўшилувчини индекси  $n$  ни  $n+1$  га алмаштирадик, айирмали схема ошқормас схемага айланади, бунда вақт бўйича тўр қадамларига чекловлар бўлмайди

$$C_{1111} \frac{u_{i+1,j,k}^{n+1} - 2u_{i,j,k}^{n+1} + u_{i-1,j,k}^{n+1}}{h_1^2} + C_{1212} \frac{u_{i,j+1,k}^{n+1} - 2u_{i,j,k}^{n+1} + u_{i,j-1,k}^{n+1}}{h_2^2} + C_{1313} \frac{u_{i,j,k+1}^{n+1} - 2u_{i,j,k}^{n+1} + u_{i,j,k-1}^{n+1}}{h_3^2} + \\ + (C_{1122} + C_{1212}) \frac{v_{i+1,j+1,k}^{n+1} - v_{i-1,j+1,k}^{n+1} - v_{i+1,j-1,k}^{n+1} + v_{i-1,j-1,k}^{n+1}}{4h_1h_2} + (C_{1133} + C_{1313}) \times \\ \times \frac{w_{i+1,j,k+1}^{n+1} - w_{i-1,j,k+1}^{n+1} - w_{i+1,j,k-1}^{n+1} + w_{i-1,j,k-1}^{n+1}}{4h_1h_3} - \beta_{11} \frac{T_{i+1,j,k}^{n+1} - T_{i-1,j,k}^{n+1}}{2h_1} - f_{i,j,k} = \rho \frac{u_{i,j,k}^{n+1} - 2u_{i,j,k}^n + u_{i,j,k}^{n-1}}{\tau^2} \quad (21)$$

(21) чекли-айирмали схемани қуйидаги кўринишга келтираемиз

$$a u_{i+1,j,k}^{n+1} + b u_{i,j,k}^{n+1} + c u_{i-1,j,k}^{n+1} = d_i \quad (22)$$

бунда

$$a = \frac{C_{1111}}{h_1^2}, \quad b = -2 \left( \frac{C_{1111}}{h_1^2} + \frac{\rho}{\tau^2} \right), \quad c = \frac{C_{1111}}{h_1^2} \\ d_i = \rho \frac{-2u_{i,j,k}^n + u_{i,j,k}^{n-1}}{\tau^2} - \left( C_{1212} \frac{u_{i,j+1,k}^n - 2u_{i,j,k}^n + u_{i,j-1,k}^n}{h_2^2} + C_{1313} \frac{u_{i,j,k+1}^n - 2u_{i,j,k}^n + u_{i,j,k-1}^n}{h_3^2} + \right. \\ \left. + (C_{1122} + C_{1212}) \frac{v_{i+1,j+1,k}^n - v_{i-1,j+1,k}^n - v_{i+1,j-1,k}^n + v_{i-1,j-1,k}^n}{4h_1h_2} + \right.$$

$$+(C_{1122} + C_{1133}) \frac{w_{i+1,j,k+1}^n - w_{i-1,j,k+1}^n - w_{i+1,j,k-1}^n + w_{i-1,j,k-1}^n}{4h_1 h_2} + \beta_{11} \frac{T_{i+1,j,k}^n - T_{i-1,j,k}^n}{2h_1} + f_{11,j,k}.$$

Юқорида келтирилган усул билан дастлабки икки катламда изланаётган функциянинг қийматини ҳисоблаймиз, (22) тенгламани  $u|_z = u^n$  чегаравий шарт билан ҳайдаш усули ёрдамида ечилади.  $u$  кўчишнинг қийматларини  $j, k = \overline{1, N-1}$  нукталарни ўзгартириш билан бутун ички  $(k+1)$  катлам учун топамиз. Худди шунингдек  $v$  ва  $w$  кўчишларнинг қийматлари ҳисобланади,  $T$  температуранинг қийматларини эса шундай усулда биринчи катламдан бошлаб ҳисоблаш мумкин. Изланаётган барча функцияларнинг қийматлари ҳисоблангандан кейин пластик соҳалар аниқланади ва ҳисоблаш қайтадан такрорланади.

Учинчи боб «Трансверсал изотроп параллелепипеднинг пластик ва термо-пластик деформацияларини ҳисоблаш» трансверсал изотроп жисмларнинг пластик ва термопластик деформацияланиш жараёнларини ифодаловчи математик моделлар ва алгоритмлар асосида масалаларни сонли ечиш ва асослашга бағишланган. Шу мақсадда, табиий ва термомеханик кучлар таъсирида бўлган трансверсал изотроп параллелепипед учун бир қатор пластик, боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган термопластик масалалар сонли ечилган.

3.1 парagraфда эластик-пластик трансверсал изотроп параллелепипеднинг плиталар билан сиқиш масаласи сонли ечилган. Бу масаланинг математик модели (6-8) нозикли чегаравий масалани қуйидаги чегаравий шартлар асосида ечиш билан ифодаланилади:

$$u_1 = -u^0, u_2 = 0, u_3 = 0; \quad x=l_1 \text{ да}$$

$$u_1 = u^0, u_2 = 0, u_3 = 0; \quad x=0 \text{ да}$$


ва бошқа ёқларида

$$u_1 = 0, u_2 = 0, u_3 = 0; \quad x_2 = 0, l_2 \text{ да}$$

$$u_1 = 0, u_2 = 0, u_3 = 0; \quad x_3 = 0, l_3 \text{ да}$$

Сонли ечишда, трансверсал изотроп материал учун эластик ўзгармаслар, уринма модулар ва эластиклик чегаралари қуйидагича олинган:  $C_{1122} = 0.21, C_{1133} = 0.19, C_{2233} = 0.19, C_{3333} = 5.35, C_{2323} = 2.39, C_{1313} = 2.39, C_{1212} = 2.735, C_{1111} = 5.68, C_{2222} = 5.68, \lambda_2^* = 2.5, \lambda_3^* = 2.24, p^* = 0.11, q^* = 0.04, h = 0.1, N = 10.$

Қуйидаги 1-2 расмларда эластик-пластик трансверсал изотроп параллелепипеднинг турли кесимларида пластик зоналарнинг тарқалиши кўрсатилган.



1-расм.  $XOY$  текислиги,  $z=0.1$   
( $p \geq p^*$ ) пластиклик соҳаси



2-расм.  $ZOY$  текислиги,  $x=0.3$   
( $q \geq q^*$ ) пластиклик соҳаси

Чегаравий шартларнинг симметриклигини ҳисобга олган ҳолда 1-2 расмдаги пластик соҳалар тақсимланишининг симметриклиги, эластик-пластик трансверсал изотроп жисмлар учун чегаравий масалани ечиш учун таклиф қилинган итерацион усул ва сонли натижаларнинг тўғрилиги таъминлайди.

Сонли натижалар  $\varepsilon = 0.0001$  аниқликда ҳисобланган ва бу аниқликка эришиш учун 46 итерация амалга оширилди.

3.2 параграфда (6-8) эластик-пластик трансверсал изотроп параллелепипеднинг текис тақсимланган кучлар таъсиридаги мувозанати масаласи сонли ечилган. Фараз қилайлик параллелепипед  $OX_1$  ўқига перпендикуляр ёқлари бўйича текис таъсир этувчи кучлар ёрдамида сиқилсин ва бошқа ёқлари кучланишдан холи бўлсин, яъни:

$$\sigma_{11}|_{x_1=0} = s_1, \quad \sigma_{11}|_{x_1=\ell_1} = -s_1, \quad \sigma_{21}|_{x_1=0, \ell_1} = 0, \quad \sigma_{31}|_{x_1=0, \ell_1} = 0,$$

